



МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ЎРНИ

Илхомжонова Фотима Мухиддиновна

Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг” кафедраси ўқитувчиси

email: ilxomjonova.fotima@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 5 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a1	Мақолада миллий сугурта компанияларида молиявий менежментнинг ўрни, жорий молиявий режалаштириш ҳолати бўйича таҳлиллари келтирилган. Миллий сугурта компанияларини молиялаштиришда фонд бозорининг имкониятлари ва акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти механизмлари келтириб ўтилган. Ушбу мақоланинг масади миллий сугурта компанияларида молиявий менежмент ҳолати ва даражасини аниқлаш хамда фаолиятни молиялаштиришда фонд биржаларидан фойдаланишида талаб этиладиган тадбирларни аниқлашдан иборат. Ушбу кўйилган мақсадларга эришиш йўлида муаллиф томонидан тадқикотлар амалга оширилган ва натижаларга эришилган.
KEYWORDS	“Сугурта фаолияти”, “фонд бозори”, “молиявий менежмент”, “акция”, “бирламчи оммавий жойлаштириши(IPO)”, “молиялаштириши”, “маркет-мейкер”, “облигация”, “дивиден”.

Кириш

Халқаро амалиётдан маълумки, компанияларда стратегик жиҳатдан молиявий режалаштириш ва уни назоратини олиша молиявий менежментнинг ўрни бекиёс хисобланади. Миллий иқтисодиётдаги акциядорлик жамиятларида, хусусан, сугурта компанияларида фаолият баркарорлигини таъминлаш ва юкори самарадорликка эриши учун ҳаркандай молиявий ресурслар самарали ишлатилиши лозимdir. Шуни алоҳида кайд этиш жоизки, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараккӣёт стратегиясида: “иқтисодиёт тармокларида баркарор юкори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялти ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш хамда «даромади ўртачадан юкори бўлган давлатлар» категорига кириш учун замин яратиш”[1], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидағи ПФ-158-сон Фармони хамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидағи ПК-300-сонли карорига мувоффик, “ижтимоий сугурта тизимини жорий этиш бўйича, хусусан, сугурта тўловларини молиялаштиришнинг манбаларини аниқлаш, ижтимоий сугурта жамгармаси маблаглари хисобидан тўланадиган тўловларни белгилаш, ижтимоий сугурта тизими доирасидаги кафолатланган сугурта тўловлари орқали норасмий бандлекни камайтириш ва расмий меҳнат муносабатларига ўтишин рафтаблантириш бўйича вазифалар белгилаб олинган[2]. Ушбу жиҳатларни инобатга олганда, сугурта компанияларида “Молиявий менежмент” тизимини ривожлантириш ва уни оптималлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш, фаолият рентабеллигини ошириш, молиявий ресурсларни режалаштириши, назорат килиш, қайта таксимлаш, шунингдек, улардаги лойиҳаларни молиялаштиришда фонд биржалари ва тижорат банкларининг ўрни

бўйича бир қатор илмий-амалий тадқикотлар олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Michael J.Barclay, Fangjian Fu, Clifford W.Smithлар ўзларининг “Seasoned equity offerings and corporate financial management” номли илмий тадқикотларида корпоратив тузилмаларда акциялар қийматини ошишида молиявий менежментнинг ўрни таҳлил килиб ўтганлар[3]. Иқтисодчи олимлардан Michael Melvin, Stefan Norrbinлар трансмиллий компанияларда молиявий менежмент ва унинг функцияларини кўрсатиб, “трансмиллий фирмалар турли валюталарда ифодаланган кредиторлик ва дебиторлик карзлари, маҳсулотнинг миллий чегаралар орқали жўнатилиши ва турли сиёси юрисдикцияларда фаолият юритувчи шўба корхоналари мавжудлиги сабабли уларнинг молиявий менежментга оид турли муаммолар пайдо бўлишини” баён этганлар.

Молиявий технологияларнинг компания молиявий ресурсларини бошқарувидаги ўрни ва “Nexus” таҳлилини молиявий менежментда самарали тадбик килиш юзасидан хорижлик иқтисодчи Juan Wu ўзининг “Nexus analysis of financial management, digital finance and new technologies” номли тадқикотида атрофлича кўриб чиқкан[4].

Корпоратив тузилмаларда соликларнинг молиявий ресурсларни режалаштиришга таъсири ва солиқ имтиёзларнинг самарадорлиги бўйича иқтисодчи олимларимиздан С.Элмирзаев илмий тадқикотларни олиб бориб[5], солиқ менежментини молиявий менежментга боғлиқлик дарачасини кўриб чиқкан.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Р.Карлибаева молиявий менежмент тараққиётининг асосий босқичларини 5 даврга бўлиб, уларнинг асосий мояхиятларини очиб берган[6].

Сугурта компанияларига кимматли қоғозлар бозори орқали бўш молиявий ресурсларни жалб этиш ва улар орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида иқтисодчи олим А.Каримов[7] илмий тадқикотлар олиб борган.

Иқтисодчи олимлардан А.Темиров ўз илмий тадқикотларида кичик бизнес субъектларини ривожланиши кўпинча, улар фаолиятида молиявий бошқарувининг кай даражада ташкил

этилгандигига боғлик бўлишини, корхонада молиявий менежментни улар фаолиятига киритилган бошлангич инвестицияларни қайтариш, фойдани кўпайтириш ва корхона бозор қийматининг баркарор ўсииши таъминлаш мақсадиди молиявий муносабатларни бошқаришнинг шакллари, усуллари ва тамоилиллари мажмуси сифатида эътироф килиш мумкинлигини[8] кайд этиб ўтган.

Тадқиқотни амалга ошириша фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотда кўйилган мақсадларни амалга ошириша мантикий ва таркибий тахлил килиш, гурухлаштириш, иктиносид-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий тақослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Результаты). Олиб борилган таҳлиллар натижасида миллӣ сугурта компанияларидаги молиявий менежментнинг функцияларидан самарали фойдаланиш орқали фаолият рентабеллигини ошириш кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, компанияларда молиявий менежментнинг ривожланишига тўсик бўлаётган холатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ). Сугурта компаниялари сугурта бозорида молиявий хизматларни амалга ошириб, табиий оғатлар (зилзила, сув тошкени, ёғин ва бошқалар), ҳар хил баҳтсиз ҳодисалар рўй бериси натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва бошка пул копламалари тўлаш учун мақсади пул жамгармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлик иктиносид муносабатлар субъекти сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Конунида, кайд этилганидек, “Сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларини ташкил этиши ва давлат рўйхатидан ўтказиша сугурталовчилар (кайта сугурталовчилар) акциядорлик жамиятни шаклида ташкил этилади”[9]. Сугурта компаниялари 25 феврал 2022 йилга қадар акциядорлик жамиятлари ва маъсуллияти чекланган жамиятлар шаклида фаолият олиб бораётган эди. Конунчиликдаги ўзгариш бўйича сугурта компаниялари факатгина акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этиладиган бўлди. Сугурта фаолияти билан боғлик расмий статистикани кузатар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида молиявий хизматларнинг ҳажми 2022-йилда 20 697,7 млрд. сўмга ошди ва 80 431,0 млрд. сўмга етди. Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида молиявий хизматларнинг улуши 22,5 фоизни ташкил этди. Жами молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 129,3 % ни ташкил этди. Шунингдек, сугурта бўйича хизматлар 7,3 фоизни ёки 5,871 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йил якуни бўйича хисобот маълумотларига кўра, 47та сугурта компанияси томонидан 6841354 та шартномалар тузиленган ёки 2020-йилнинг шу даврига нисбатан солиширилганда 115,2 фоизни ташкил этди[10]. Ушбу жихатларга эътибор қаратгандা, сугурта бозорини ривожлантириш ва янги сугурта инструментларини тақдим этиши муҳим аҳамият касб этади.

Сугурта фаолиятини олиб борувчи компаниялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилётган асосий хизматларидан бири:



1-расм. Сугурта компаниялари хизматлари[11]

Автотранспорт воситаларини сугурталаш;

Ижтимоий сугурта;

Юкларни сугурталаш;

Мажбуриятларни сугурталаш;

Тибий сугурта;

Ипотека сугуртаси;

Мол-мулкни сугурталаш.

Сугурта компанияларидаги молиявий ресурсларни бошқариш, уларни режалаштириш ва назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Фаолият кўлами, мулкчилик шакллари ва фаолият турлари хизма-хиллигига боғлиқликда корхоналар молиясими бошқариш тизими етарли даражада мураккаб тузилемаган эга бўлиши мумкин. Корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантириши

хусусиятлари ва жалб қилиш шароитлари, уларни таксимлаш ўйналишлари ва методлари кўйидагиларга боғлик ҳолда сезиларли даражада фарқ қиласди:

- корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти кўлами;
- корхоналар ривожланишининг хаётий цикл боскичлари;
- бизнес юритишинг ташкилий-хукукий шакллари ва бошқалар.

Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни бошқариш ва акциядорлар хукукларини химоя килишда корпоратив бошқарув ҳамда молиявий менежментнинг ўрни бекиёсdir. Иктиносидий адабиётларда таъкидланганидек, молиявий менежмент – бу корхонанинг стратегик ва жорий мақсадларини амалга оширишга ўйналтирилган молиявий ресурсларни ва молиявий фаолиятни бошқаришdir. Сугурта компанияларидаги молиявий менежментнинг комплекс вазифалари таркиби операцион карорлар кабул килиш, инвестицион карорлар кабул килиш, молиявий карорлар кабул килишдан иборат. Сугурта компаниясида молиявий менежмент тизими қай даражада оптималь ва самарали ташкил этилган бўлса, шу даражада тизимли рискларни олдини олиш ҳамда фаолият рентабеллигини ошириш имконияти юкори бўлади.

Молиявий менежментнинг моҳияти унинг бажарадиган функцияларидаги намоён бўлади. Молиявий менежментнинг комплекс мазмунидан келиб чиқсан ҳолда унинг бажарадиган функцияларини иккита асосий гурухга бўлиш мумкин: бошқарув субъектининг функциялари; маҳсус функциялар.

Биринчи гурух функциялар таркиби ҳар қандай бошқарилувчи тизимости учун бир хил тавсифга эга. Улар таркибига ташкил этиш, тахлил, режалаштириш, мотивация ва назорат киритилади.

Молиявий менежментнинг маҳсус функциялари гурухи бошқарув фаолиятининг алоҳида тури сифатида молиявий менежментнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Уларга кўйидагилар киради;

- активларни бошқариш;
- капитални бошқариш;
- инвестицияларни бошқариш;
- пул оқимларини бошқариш;
- молиявий рискларни бошқариш[11].

Юртимизда фаолият олиб бораётган сугурта компанияларидаги ҳам молиявий менежмент тизими шакллантирилган ва унинг функцияларига оптималлаштирилмоқда. Хусусан, “Капитал сугурта” АЖ СКнинг 2021-2022 йиллар учун молиявий хисоботи маълумотларини кўриб чиқишимиз мумкин.

1-жадвал “Капитал сугурта” АЖ СКнинг 2021-2022 йиллар учун молиявий хисоботи, минг сўмдаги[12]

Кўйислик волиқ	2021 йил(минг сўм)		2022 йил(минг сўм)		2021	2022
	Даромад (фойда)	Харахатлар (мукоммал)	Даромад (фойда)	Харахатлар (мукоммал)		
Сугурта хизматларини ўзасотишкан зароратлар	79 224 990,18	0,0	115 927 041,53	0,00	2.98	4.13
Воситакчалик хизматларини ўзасотишкан зароратлар	142 515,12	0,0	309 179,57	-	9.69	15.07
Кайта сугурта бўйича зароратлар ҳуқуқини кўзасотишкан зароратлар	41 026,7	0,0	-	-	3 207 652 373,7	274 244 908,7
Кайта сугурта бўйича компаниянинг мукоммаллар ташъемлар ва тажрибада бўйичада бўйичада зароратлар	4 260 762,89	-	16 799 889,85	-	76,38	77,94
Атжасер ва скорсейр хизматларини ўзасотишкан зароратлар	0,0	0,0	-	-	30,81	27,42
Сугурта хизматларини ўзасотишкан соғ тўхуми	83 669 294,87	0,0	133 036 110,95	0,00		
Кўзасотакчлик сугурта хизматларини ташъемлар	0,0	67 457 351,43	0,00	95 992 155,32		
Сугурта хизматларини ўзасотишкан энгизибадатлар	16 211 943,44	0,00	37 043 955,63	0,00		
Даромадлар	0,0	23 098 050,16	0,00	46 918 647,16		
Асосий филиалларни бўйичада зароратлар	1 006 950,85	0,00	1 122 908,46	0,00		
Асосий филиалларни бўйичада зароратлар	0,0	5 879 155,87	0,00	8 751 783,67		
Молиявий филиалларни бўйичада зароратлар	7 511 464,77	0,0	18 570 019,02	0,00		
Молиявий филиалларни бўйичада зароратлар	0,0	174 056,43	0,00	6 573 073,62		
Чаржмурзиний филиалларни бўйичада зароратлар	1 458 252,5	0,0	3 245 162,3	0,0		
Фавзудоддатни бўйичада зароратлар	0,0	0,0	0,0	0,0		
Фонд солиши ташъемларни бўйичада зароратлар	1 458 252,5	0,0	3 245 162,3	0,0		
Фонд солиши	0,0	356 449,9	-	1 603 098,21		
Хисобот зарорини соғ филиалларни бўйичада зароратлар	1 101 802,5	0,0	1 642 064,1	0,0		

1-жадвал маълумотларида “Капитал сугурта” АЖ СКнинг 2021-2022 йиллар учун молиявий натижалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, сугурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар 2022 йилда 115,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 146 фоизга ошган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давр ҳаражатлари ҳам 2 бараварга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Сугурта компаниялари учун активлар ва хусусий капитал рентабеллиги муҳим аҳамият касб этади. Куйида “Капитал сугурта” АЖ СКнинг йил якунлари бўйича

молиявий кўрсаткичлар, активлар ва хусусий капитал рентабеллиги
кўрсатиб ўтилган (2-жадвал).

**“Капитал сугурта” АЖ СКнинг йил якунин бўйича молиявий
кўрсаткичлар, минг сўмда[12]**

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
ROA (%)	0	0	2,58	2,42	0,43	1,22	0,74	0,75
ROE (%)	0	0	22,96	7,34	1,58	2,76	2,01	2,98
Сугурта захирлари - (т-шакл, 580-бет)	29 073 411	33 784 633,8	34 776 663,2	52 449 151,11	66 579 348,39	75 359 138,34	108 136 521,78	133 458 422,74
Сугурта даражаси	54,19	64,58	58,69	60,69	60,66	60,36	72,49	61,21
Капитал даражаси	28,98	28,5	32,99	32,89	27,32	44,33	36,72	25,28

2-жадвал маълумотларида “Капитал сугурта” АЖ СКнинг 2015-2022 йиллар учун активлар рентабеллиги(ROA), хусусий капитал рентабеллиги (ROE), сугурта захирлари ва даражаси хамда капитал даражаси йиллар кесимида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, хусусий капитал рентабеллиги (ROE)ни 2017 йилда 22,96 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 2,98 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

**3-жадвал
“Ўзагросуғурта” АЖ СКнинг 2021-2022 йиллар учун молиявий хисоботи,
минг сўмда[12]**

Кўрсаткич номи	2021 йил(минг сўм)		2022 йил(минг сўм)	
	Даромад (фойда)	Харажатлар (ўйнотишлар)	Даромад (фойда)	Харажатлар (ўйнотишлар)
Соҳиба хизматларини кўрсатишлан даромадлар	154 334 598,60	0,00	203 681 383,70	0,00
Кўйга сугурта бўйича захирлар утилганни оширишларни бўйича даромадлар	833 246,60	-	424 944,60	-
Соҳиба хизматларини кўрсатишлан соф түшум	155 167 845,20	0,00	204 106 328,30	0,00
Кўрсатикин сугурта хизматларини тозакни	0,00	72 004 597,10	0,00	103 049 054,30
Соҳиба хизматларини кўрсатишлан хизмат фойда (зарар)	83 163 248,10	0,00	101 057 274,00	0,00
Лавр харажатлари	0,00	99 253 240,00	0,00	107 934 169,30
Асосий фондиганни бўйича даромадлар	14 153 027,40	0,00	8 553 846,50	0,00
Асосий фондиганни бўйича (зарар)	0,00	1 936 964,50	1 708 951,20	0,00
Молиявий фондиганни даромадлари	17 097 687,60	0,00	18 971 397,00	0,00
Молиявий фондиганни бўйича харажатлар	0,00	5 048 182,70	0,00	3 017 177,20
Умумий фондиганни бўйича (зарар)	10 112 540,4	0,0	17 663 171,1	0,0
Фондулоддиган фойда ва зарарлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Фойда солиниши бўйичага калар фойда (зарар)	10 112 540,4	0,0	17 663 171,1	0,0
Фойда солиниши	-	1 996 915,20	-	3 126 781,60
Хисобот таҳсилотини соф фойдали (зарар)	8 115 625,2	0,0	14 536 389,5	0,0

3-жадвал маълумотларида “Ўзагросуғурта” АЖ СКнинг 2021-2022 йиллар учун молиявий натижалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, сугурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар 2022 йилда 203,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 132 фоизга ошган.

4-жадвал маълумотларида “Ўзагросуғурта” АЖ СКнинг 2015-2022 йиллар учун активлар рентабеллиги(ROA), хусусий капитал рентабеллиги (ROE), сугурта захирлари ва даражаси хамда капитал даражаси йиллар кесимида кўрсатиб ўтилган. “Ўзагросуғурта” АЖ

СКнинг ROЕнинг энг катта кўрсаткичи – 18,07 фоиз 2016 йилда эришилган.

Сугурта компанияларида хусусий капитални шакллантиришда кўшимча акциялар чикарни амалиёт муҳим аҳамият касб этади. Хозирги кунда, акцияларнинг оммавий жойлаштиришининг кенг таркалган усули сифатида IPO ва SPO жараёнларини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўра, «бирламчи оммавий таклиф (IPO) – акциядорлик жамияти (IPO ташаббускори) томонидан кўшимча акцияларни чекланмаган инвесторлар доираси учун оммавий таклифи бўлса, иккиласи оммавий таклиф (SPO) – акциядор (SPO ташаббускори) томонидан унга тегишили бўлган акцияларни чекланмаган инвесторлар доираси учун оммавий таклифи» хисобланади[13].

“Ўзбекинвест” акциядорлик жамиятида IPO ўтказиш жараённида 247 та ариза тақдим этилган бўлиб, акциялар учун таклиф этилган маблаг 18,13 миллиард сўмга етди. Шундан жами 14,11 млрд.сўмлик 100 та ариза муваффақиятли амалга оширилди[14].

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение). Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида куйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга куйидагича жавоблар шаклланди: Сугурта компанияларининг молиявий фаолияти қай даражада шакллантирилган? Молиявий менежментнинг компания бошқарувидаги ўрни кандай? Сугурта компанияларда йиллик ўсишининг даражасига кандай холатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Йиллик ўсишини ошириш учун нималар килиш керак? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Макола бўйича хulosи ва таклифлар (Conclusions/Заключения).

Миллий сугурта компанияларида молиявий менежментнинг ўрни хусусидаги илмий- назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

биринчидан, молиявий менежмент функцияларидан самарали фойдаланиш республикамиздаги сугурта компаниялари учун муҳим амалий аҳамият касб этади;

иккинчидан, сугурта компаниясида молиявий менежмент тизими қай даражада оптималь ва самарали ташкил этилган бўлса, шу даражада тизимли рискларни олдини олиш хамда фаолият рентабеллигини ошириш имконияти юкори бўлади;

учинчидан, сугурта компаниялари учун активлар ва хусусий капитал рентабеллиги муҳим аҳамият касб этади;

тўртингидан, акцияларнинг оммавий жойлаштиришининг кенг таркалган усули сифатида IPO ва SPO жараёнлари орқали сугурта компанияларига молиявий ресурслар жалб этиш амалий аҳамият касб этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони, Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон
3. Michael J. Barclay, Fangjian Fu, Clifford W. Smith “Seasoned equity offerings and corporate financial management” Journal of Corporate Finance. Volume 66, 2021, 101700, ISSN 0929-1199, [\(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0929119920301449\)](https://doi.org/10.1016/j.corfin.2020.101700)
4. Juan Wu, “Nexus analysis of financial management, digital finance and new technologies”, Global Finance Journal, Volume 57, 2023, 100869, ISSN 1044-0283, [\(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1044028323000649\)](https://doi.org/10.1016/j.gfj.2023.100869)
5. Элмираев Самариддин Эшкуватович “Корпоратив молиявий муносабатларда соликларни режалаштириш масалалари” // Экономика и финансы (Узбекистан) 2018. №6. URL: [\(https://cyberleninka.ru/article/n/korporativ-moliyaviy-munosabatlarda-soli-larni-rezhalashtirish-masalalari\)](https://cyberleninka.ru/article/n/korporativ-moliyaviy-munosabatlarda-soli-larni-rezhalashtirish-masalalari) (дата обращения: 28.12.2023).
6. Карлибаева Р. Молия тизими тараққиёти ва молиявий менежмент назарияси шаклланишининг фундаментал асослари //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.
7. Каримов, Акрамжон Икромjon Ўғли. "АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИГА ЖАЛЬ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ." Экономика и финансы (Узбекистан) 10 (146) (2021): 35-40.
8. Темиров А. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни таомиллаштириш //Архив научных исследований. – 2020.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Конуни 23.11.2021 йилдаги ЎРК-730-сон

10. <https://stat.uz/images/uploads/docs/xizmatlar12022pressuz.pdf>
11. Тошмуродова, Б., С. Элмирзаев, анд Н. Турсунова. "Молиявий менежмент. Дарслик." Т.:“Иқтисод-молия 325 (2017).
12. Ўзбекистон Республикаси истикболли лойиҳалар миллий агентлиги корпоратив ахборот ягона портали (<https://new.openinfo.uz/home>)
13. Karimov A. I. THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION'S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 6. – С. 18.
14. “Тошкент” республика фонд биржаси маълумотлари- www.uzse.uz ..